

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 28 апрель, № 83 (6266) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.*

Жумладан:

Испания Қироли — **Фелипе VI**

Испания Қироллиги ҳукумати раиси — **Мариано Рахой**

Бельгияликлар Қироли — **Филипп**

Сербия Республикаси Президенти — **Томислав Николич**

Бразилия Федератив Республикаси Президенти — **Дилма Вана Руссефф**

Куба Республикаси Давлат кенгаши ва Вазирлар кенгаши раиси — **Рауль Модесто Кастро Рус**

Кувайт Давлати Миллий мажлиси раиси — **Марзук Али ал-Ғоним**

Васеда университети президенти — **Каору Камата** табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*



## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

— Президентимиз ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни, деб белгилангани кўнглимиздагидек иш бўлди-да, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, элликқалъалик 96 ёшли Райимбой оға Раҳматов. – Бу билан урушда қанчадан-қанча гул йигитларнинг умри хазон бўлгани, уларни хотирлаш, даҳшатли кунларни бошидан кечирганларни қадрлаш каби халқимизга хос чинакам фазилатлар янада яққол намоён бўлаяпти.

# Тинчлик учун курашмоқ керак

Биласиз, авваллари бу сана енгил ўйин-кулги, ҳарбий дабдабабозлик, расмиятчилик билан ўтарди. Эртасига кўнгил хижил бўлиб юрарди, ахир бу Ғалаба юз минглаб ҳамюртларимизнинг жони эвазига қўлга киритилган. Уларнинг руҳи бу ўйин-кулгилардан безовта бўлмайдими?..

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан юртимиз бўйлаб уруш қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари ҳамда мустақил Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидан хабар олиш, уларга давлатимиз раҳбарининг ҳурмат-эҳтироми, юксак эътибори рамзи бўлган медаль ва совғаларни топшириш мобайнида бир ибратли ҳолатга кўп дуч келдик. Оқсоқоллар бугунги осудаликнинг қадрини, осойишталикка кафил бўлган Юртбошимизнинг узоқни кўзлаган тинчликпарвар сиёсатини теран англаб, юракдан қўллаб-қувватлаб, керак бўлса, Ўзбекистон учун янада фидойи бўлишга тайёр эканликларини билдирдилар. Шафқатсиз уруш домидан, ажал чангалидан омон чиққан, дунёда кечаётган сиёсий жараёнлардан хабардор, ўзининг қатъий фикрига эга отахонларнинг мулоҳазалари мустаҳкам ҳаётий асосга эгалиги одамни ён-атрофга ва ўзига теранроқ назар ташлашга ундайди.

— Катта мажлисда Ислом Каримов бутун дунёга Ўзбекистон армияси четдаги урушларда қатнашмаслигини, юртимизга ҳарбий базалар киритилишига йўл қўйилмаслигини эълон қилди. Бу ҳақиқий халқпарвар, ватанпарвар раҳбарнинг қарори, — дейди Фарғона тумани Хонқиз қишлоғида яшовчи 92 ёшли Солижон ота Умаралиев. Қутлаш учун келган фаолларга, чарақлаб турган ёшларга бир-бир қараб отахон гапларини салмоқ билан давом эттиради. — Гоҳида биз узоқ, бегона юртларда нима учун, ким учун қон кечдик, деб ўйлаб қоламан. Фашизм балоси ёмон, бу офатга қарши урушиш соғлом фикрли ҳар қандай одамнинг бурчи эди. Лекин гап унга қандай қарши туришда. Мустабид тузум даврида тўғри йўл танланиб, одам қадри нималиги англанганида миллионлаб ғўр йигитлар ўққа учиб кетмасди. Аслида она сути оғзидан кетмаган, ҳатто илк ҳарбий кўникмаларни ўтамаган ёш-ялангнинг бештасига битта милтиқ бериб, ажал оғзига ҳайдаганларнинг ўзи ҳам фашистдан беш баттар эди...

— Ўзбекистоннинг бошида шундай раҳбар бор экан, тинчлик-осойишталигимизни ҳеч ким бузолмайди, — дейди уруш қатнашчиси Турсунбек Эсонбеков. — Чунки бу инсон тинчлик учун, Ватан учун жонини тиккан. Осойишталигимизни кўролмайдиган кучлар неча марта хуруж қилди, лекин Президентимиз ҳаммасига ҳар сафар қалқон бўлди. Қуролли Кучларимиз тинчлик гаровига айланди. Хизматга кетаётган йигитлар дуо тилаб, армиядан қайтганлари ҳол-аҳвол сўраб келишади. Уларнинг гап-сўзига қараб, армиямиз қанчалар ўзгарганини англаб тураман.

(Давоми 4-бетда).

# ФАРҒОНА ЁШЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган фестивалда фарғоналик ёшларга Президентимиз совғаси — иккита "ISUZU" автобуси топширилди.*

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА




"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль доирасидаги тадбирларда сенаторлар, депутатлар, олим ва ижодкорлар, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида баркамол авлодни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида устувор аҳамият қаратилмоқда. Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган теран маъноли сўзларида мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Зеро, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишимиз, мамлакатимизнинг келажаги, аввало, ёшларимизга боғлиқ. Шу боис ҳам ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий илм-фан, касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштириши учун барча шарт-шароитни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ҳам ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

"Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган фестиваль барча шаҳар ва туманларда ёшларнинг катта шодиёнасига айланди. Фестиваль доирасида мактаблар, коллеж ва лицейларда, Меҳрибонлик уйларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти", "Депутат ва ёшлар", "Ҳоким ва ёшлар", "Замонамиз қаҳрамонлари" мавзуларида таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари билан учрашувлар, китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Кувайт Давлати Миллий мажлиси парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Соуд Нашмий ал-Хорижий раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА КУВАЙТ ПАРЛАМЕНТЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. 2004 йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Кувайт Давлатига расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Парламентлараро алоқалар икки томонлама сиёсий мулоқотни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Учрашувда парламентлараро алоқалар ва ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Музокаралар чоғида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон парламенти фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари билан ўтказилган учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга доир масалалар муҳокама этилди.

— Кувайт Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор, – деди Кувайт Давлати Миллий мажлисининг парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Соуд Нашмий ал-Хорижий. — Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик янада ривожланишига ишонаман.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МИЛЛИЙ МАТБААЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

МОДЕРНИЗАЦИЯ




Мамлакатимизда миллий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа соҳасининг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлиги ҳамда ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлаш, қолаверса, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассамдир.

Зеро, бугун одамларнинг тезкор ва ҳаққоний ахборотга бўлган талабини қондириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, умуман, жамият тараққиётини жадаллаштиришда мазкур соҳа вакилларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

ОАВнинг ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани фуқаролик жамиятининг муҳим шарти ҳисобланган нодавлат ахборот тармоқларининг изчил шакллантирилаётгани, анъанавий маълумот тарқатиш манбалари қаторида интернет тизимининг юқори суръатлар билан ривожланаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Шу боис кейинги йилларда юртимизда матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари фаолияти равнақига алоҳида эътибор қаратилаётир.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

*Пойтахтимизда "Дам олиш дунёси" халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси иш бошлади.*

# Сайёҳлик инфратузилмаси ва қулай муҳит

Мазкур нуфузли тадбир "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва "Буюк Ипак йўли" реклама агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа қатор мутасадди ташкилотлар кўмагида уюштирилди. Унда Ўзбекистон, Швейцария, Испания, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Сингапур, Вьетнам каби ўттизта мамлакатдан қарийб 150 та фирма ҳамда компаниялар вакиллари қатнашмоқда.

Қайд этилганидек, Президентимиз ташаббуси билан туризм саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида Ватанимизнинг гўзал табиати, муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ҳамда файзли гўшалари дунё аҳлини ўзига тобора мафтун этаётир. Бунда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, жаҳонга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, шунингдек, замонавий меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари ташкил қилиниб, уларда юксак сифатли хизмат турлари йўлга қўйилаётгани муҳим омил бўлаяпти.

Айни пайтда республикамизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм каби кўплаб турлари ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 530 дан ортиқ туроператор ҳамда агентликлар томонидан туристик хизматлар кўрсатилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши **7,5 фоизни ташкил этди.**



*Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ва бутун дунёда ислоҳотларнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантиришнинг босқичма-босқич стратегияси изчил амалга оширилиши туфайли жаҳон миқёсида давом этаётган инқирозли ҳолатларга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди.*

# Маданий мерос муҳофазаси ва қонунчилик

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш: назария ва амалиёт" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда депутатлар, вазирлик ҳамда идоралар, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, журналистлар қатнашди.*

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда бой ҳамда бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун зарур институционал ҳамда ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилди. Хусусан, Конституциямизда фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида экани ўз ифодасини топган. Шу асосда "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонунлар, ҳукуматнинг соҳага доир ўнга яқин қарорлари ҳаётга татбиқ этилди, бир қатор халқаро конвенциялар Ўзбекистон томонидан ратификацияланди. Пировардида маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, миллий қонунчиликни умумэътироф этилган нормалар билан уйғун ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда юртимизда маданий мероснинг 7500 дан зиёд кўчмас объектлари мавжуд. Уларнинг ярмидан кўпи археологик дурдоналар саналади. Ўз навбатида, музейларда юз минглаб кўчар объектлар, архивларда миллионлаб ҳужжатлар сақланаётир. Айни чоғда диёримиздаги тарихий, архитектура ва шаҳарсозлик объектларини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналишининг 65 таси айнан тарихий-маданий мерос намуналаридир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури ижроси юзасидан ўтган йилларда амалга оширилган ишлар, келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.

Анжуманда кўриб чиқилган масала юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, маданий мерос объектлари атрофида, уларга олиб борувчи йўналишларда хизмат кўрсатиш ҳамда сервисни ривожлантириш, бу соҳадаги хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга тақдим этиладиган имтиёзлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди. Ёшларни бебаҳо тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш эса уларда миллий ўзликни англаш туйғусини янада кучайтириш, жамиятда юксак маънавиятни теран қарор топтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, маданий мерос объектларини муҳофаза қилишда масъул мутасаддилар жавобгарлигини янада ошириш юзасидан таклифлар баён этилди.

Тадбир қатнашчилари маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид қонун ва қонуности ҳужжатларини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янада маромига етказиш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Давлат дастурлари ижроси устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш лозимлигини ҳам алоҳида айтиб ўтишди.

Якунда тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмита қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ФАРҒОНА ЁШЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Камолот" кутубхонаси", "Президентимиз асарлари билимдони" лойиҳалари эса ёшларнинг ягона мақсад сари янада бирлашишида муҳим аҳамият касб этди.

— Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, ёшларга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик замирида буюк давлат барпо этишдек олижаноб мақсад мужассам, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов. — Мана бундай тадбирлар келажагимиз эгаларини Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли маънавий таҳдидлардан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий таълим муассасалари, муҳташам спорт ва мусиқа иншоотлари ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ташкил этилаётган фестиваль ва бошқа турли маънавий-маърифий тадбирлар ёш авлодимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносабатини шакллантириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурматини кучайтириш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Миллий менталитетимизга ёт бўлган турли таҳдидлар, айниқса, "оммавий маданият"дан ҳимоя қилиш ва иллатларнинг салбий оқибатларини кенг тушунтириш борасида олиб борилаётган тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

— Фестивалда тенгдошларимиз билан фаол иштирок этдик, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Гулчеҳра Жиянова. — Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, ахборот хуружлари ва улардан ҳимояланишга оид долзарб мавзулардаги мулоқотлар ҳуқуқий билим ва дунёқарашимизни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Фестиваль доирасида фарғоналик ёшларга Президентимиз совғаси — иккита "ISUZU" автобуси топширилди.

"Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси", "Энг яхши маънавият тарғиботчиси" ҳамда "Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" номинацияларида ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

М. ҚОДИРОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Дам олиш дунёси" халқаро кўргазмасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ва хорижий туроператорлар, агентликларга баҳор-ёз мавсуми учун ўз туристик маҳсулотлари бўйича таклифларни илгари суришларига кўмаклашиш, мижозлар билан шартномалар тузиш, туризм бозорига оид стратегик режалар ишлаб чиқиш учун имконият яратишдан иборатдир.

Анжуманда республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти, таклиф қилинаётган хизматлар, тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар, гўзал табиатимиз, спорт туризми, авиатранспорт, суғурта ва банк

## Сайёҳлик инфратузилмаси ва қулай муҳит

хизматларига оид кўплаб маълумотлар билан танишиш имконияти яратилган.

Халқаро кўргазмада мамлакатимиз ҳудудлари ҳам ўз туристик имкониятларини кенг намойиш қилмоқда.

Тадбирнинг биринчи иш кунида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Ўзбекистонда гастрономик туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари" мавзуида халқаро конференцияси ўтказилди. Гастрономик туризм пазандачилик билан боғлиқ барча туристик фаолият турлари, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компаниялар, гастрономик фестиваллар, озиқ-овқат ярмаркалари ва бу борада тажриба орттиришга хизмат қилувчи саёҳатлар мажмуидан иборат экани қайд этилиб, юртимизда гастрономик туризмни ривожлантириш истиқболлари юқори экани алоҳида эътироф этилди. Ўз навбатида, бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари хусусида сўз юритилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, кўргазма доирасида намойиш қилинаётган ноёб турдаги автомашиналар ҳам ташриф буюрувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазманинг иккинчи кунида "Ипак йўли лаззати" миллий таомлар фестивали, сайёҳлик фирма ва компанияларининг тақдимотлари ўтказилади.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**

*Қизилтепа туманидаги "Ekspress mebel grant" корхонаси маҳсулотлари юқори сифати ва бежирим дизайни билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис бу ерда тайёрланаётган мебель жиҳозларига ички бозорда талаб ортиб бораяпти.*




# Саноат ва кооперация

Навоий шаҳрида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ҳудудий босқичининг ўтказилгани ушбу кичик бизнес субъекти учун ҳам айни муддао бўлди. Гап шундаки, корхона мутасаддилари тадбир иштирокчиларини 50 га яқин маҳсулотлари билан таништириш қаторида, янги буюртмалар бўйича умумий қиймати 955 миллион сўмлик шартномалар имзоладилар.

Айтиш керакки, мазкур кўргазмада 200 дан ортиқ йирик саноат тузилмаси ва тадбиркорлик субъекти мингдан зиёд маҳсулотларини намойиш қилди. Айниқса, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган ўнлаб корхоналарда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи товарлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Бу галги ярмаркада нафақат маҳаллий, балки хорижий улгуржи савдо компаниялари вакиллари ҳам иштирок этгани тадбир нуфузини янада оширди, — дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси раҳбари Ўктам Исломов. — Улар ҳудудимизда кон-металлургия саноати билан бирга, озиқ-овқат, тўқимачилик ҳамда мебелсозлик тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривож топаётганига гувоҳ бўлдилар. Шу маънода айтганда, ярмарка вилоят иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос кўзгуси вазифасини ҳам ўтади.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган "Электрокимёзавод" қўшма корхонаси қишлоқ хўжалиги экинларини турли ҳашарот ва зараркунандалардан муҳофаза этувчи 20 турдан ортиқ кимёвий воситалар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Ярмаркада ушбу ишлаб чиқариш субъекти мутасаддилари аграр соҳа вакилларидан буюртмалар қабул қилишди.

Икки кун давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда йирик саноат корхоналари ўз маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан умумий қиймати 26 миллиард сўмлик келишувларга эришдилар.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
(муаллиф олган сурат).

# «Moody's» мамлакатимиз банк тизими ривожланишини ижобий баҳолади

*Марказий банк томонидан "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда тижорат банкларининг халқаро рейтинг баҳоларини олиш масалаларига бағишланган бешинчи халқаро йиллик конференция уюштирилди.*

АНЖУМАН

Президентимизнинг "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда тижорат банкларининг 300 нафардан ортиқ раҳбар ва масъул ходимлари қатнашди.

Конференция давомида Евроҳудуд иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва уларнинг МДҲ мамлакатларига таъсири, иқтисодий нобарқарорлик оқибатларининг активлар сифати, банк тизимининг ташқи таъсирлар шароитидаги фаолияти масалалари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, "Moody's" агентлиги экспертлари кредит рейтингини тақдим этиш методологияси бўйича батафсил маълумот бердилар ва Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Айтиш жоизки, "Moody's" агентлиги ўтган йилнинг апрелидаги "Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш прогнози" деб номланган ҳисоботида кетма-кет бешинчи марта банк тизимининг ривожланиш истиқболларини "Барқарор" деб тасдиқлади. Активлар сифатининг барқарор динамикаси, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръати, банкларнинг юқори даромадли кўрсаткичлари, ликвидлик даражаси ва банклар фаолиятининг самарадорлиги мана шундай хулосага келишга асос бўлди. "Moody's" агентлиги таҳлилларига кўра, республика иқтисодиётининг барқарор ўсиши 12-18 ой давомида банклар учун қулай операцион муҳитни таъминлайди.

Сўнгги йилларда мамлакат молия-банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Банк тизими кўрсаткичлари нафақат халқаро стандартларга жавоб беради, балки айрим меъёрлар бўйича юқори мавқега эгадир. Натижада катта учлик — "Moody's", "Standard & Poor's" ва "Fitch Rating's" халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг барча тижорат банкларига барқарор ўсишини тасдиқловчи рейтинг баҳоларини тақдим этган.

Таъкидландики, банк тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва Марказий банкнинг самарали банк назорати, жумладан, активлар сифати, кредит портфелини диверсификация қилиш, капитал етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичлари устидан доимий мониторинг ўрнатилиши мамлакатимиз банкларининг барқарор фаолият юритиши учун зарур шароитларни ҳозирламоқда.

Халқаро йиллик конференцияда билдирилган тавсия ва хулосалар республика молия-банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барқарорлигини ошириш, пировардида банклар фаолиятини энг яхши халқаро тажрибаларга мувофиқ ташкиллаштиришга шароит яратади.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МИЛЛИЙ МАТБААЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан,ноширлик ҳамда матбаачилик соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотларга солиқ бўйича берилаётган имтиёз ва енгилликлар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Бунга мамлакатимизнинг энг йирик матбаа корхоналаридан бири — "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда 700 нафардан зиёд малакали мутахассис ва ишчилар меҳнат қилаётган мазкур жамоа томонидан 60 дан ортиқ газета ҳамда журналлар, мактаб дарсликлари ва ўқув дафтарлари, турли қоғоз маҳсулотлари чоп этилмоқда. Корхона фаолиятини кенгайтиришда, айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаяпти. Мазкур ҳужжатда асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгиланганки, уларнинг ижроси кутилган самараларни бераётир.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи 2004 йилда бир қатор ташкилотлар негизида қайта ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида у иқтисодий жиҳатдан юксалди, замонавий техника воситалари билан жиҳозланиб, ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, тарихи ва бугунига доир китоб ҳамда рисолалар, барча турдаги таълим муассасалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек, қорақалпоқ, рус ҳамда бошқа тиллардаги дарсликлар, мактабгача ёшдаги болалар учун бадиий ва ўқув адабиётлари, турли мавзулардаги альбомлар нашр этиб келинмоқда.

Мустақиллик, Наврўз байрамлари ва бошқа қутлуғ саналар, юбилейларга бағишланган китоблар, рисолалар, буклетлар, плакатлар, тақвимлар, қутловномалар ўзбек, инглиз, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа тилларда жаҳон андозаларига мос ҳолда чоп этилаяпти. Жумладан, кейинги йилларда уч тилда тайёрланган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, Самарқанднинг 2750 йиллиги, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ташкил этилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти", "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзуларидаги халқаро конференциялар муносабати билан тайёрланган, шунингдек, ўзбек миниатюра санъатига бағишланган "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" китоб-альбомлари юқори сифати ва дизайни билан замонавий талаблар даражасидаги матбаа маҳсулотлари сифатида эътироф этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқ ва маърузалари айнан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида алоҳида рисола шаклида ҳамда тўплам ҳолида нашр этиб келинмоқда. Ҳозиргача ўзбек ва рус тилларида босилаётган ушбу асарларнинг 22 жилди китобхонлар қўлига бориб етди.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи расмий нашрларни, юридик адабиётларни ҳам чоп этади. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси" кирилл, лотин ёзувларида, рус ва инглиз тилларида, янги таҳрирда оммавий нусхада нашр қилинди.

Миллатимиз обрўси ва шуҳратини намойиш этишга хизмат қилувчи кўплаб нодир китоблар мустақиллик шарофати билан биринчи марта чоп этилиб, халқимиз маънавий мулкига айлантирилмоқда. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк зотларнинг бебаҳо меросидан халқимизни баҳраманд қилувчи ранг-баранг асарлар босилди.



— Бугунги давр ҳар бир соҳада изланиш ва янгиланишни тақозо этади, — дейди "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйининг бош муҳандиси Олимжон Мелиев. — Масалан, газета чоп этиш цехимизга хорижнинг "Starline s 30" русумли босма машиналари, муқовалаш цехига "Horizont", "Perfecta", "Aster-180" ип билан тикиш ускуналари ўрнатилгани иш унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, қоғозни кесишдан тортиб, чоп этишгача бўлган барча жараён компьютерлар орқали бошқарилади. Натижада 2014 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 135,2 фоиз ўсишига эришилди. Яқинда Германиянинг "КВА" фирмасидан 8 бўёқли "Rapida 8-105" русумли чоп этиш ускунаси олиб келиниб, ишга туширилгани имкониятларимиз кўламини кенгайтириш баробарида, маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилашга хизмат қилади. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, ушбу китоб ва журналлар чоп этиш ускунаси нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам биринчи бўлиб, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида ишга туширилди.

Бундан ташқари, корхона жамоаси ёш кадрларни ишга жалб қилиш бўйича ҳам ўзига хос тажрибага эга. Бу борада Чилонзор ва Тошкент матбаа касб-ҳунар коллежлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ушбу ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган йигит-қизларга амалиёт ўташлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Бу йил 15 нафар битирувчи мавсумий келишув шартномаси асосида, 10 нафар ўқувчи эса доимий ишга қабул қилинди.

— Амалиётни мазкур корхонада ўтагандим, — дейди Тошкент матбаа касб-ҳунар коллежи битирувчиси Нилуфар Хайруллаева. — Ҳозир ушбу жамоа аъзосиман. Бу ерда моҳир матбаачилардан ўз ишимнинг сир-синоатларини пухта ўзлаштириб бораяпман. Корхонамизда касб маҳоратимизни ошириш учун барча шарт-шароит яратилган.

Мазкур жамоа томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида болаларнинг маънавий-маърифий ҳамда жисмоний камолотига хизмат қилувчи "Жисмоний тарбия" дарслиги (1-синф ўқувчилари учун), "Ҳолва емаган бола", "Фарзандим — дилбандим", "Ўзбек халқ эртаклари" каби илмий, илмий-оммабоп, ўқув ва ўқув-услубий китоблар чоп этилиб, жажжи муштарийларга ҳавола этилди.

Матбаа уйи муассислигидаги "Гулхан", "Ғунча", "Тонг юлдузи", "Класс" сингари газета-журналлар эса болажонларнинг севимли нашрларига айланган.

Мухтасар айтганда, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси давр билан ҳамнафас тарзда самарали фаолият кўрсатаётган мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бири. Энг муҳими, унинг маҳсулотлари халқимиз маънавиятини бойитиш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ИСЛОҲОТ

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

*Ҳар қандай мамлакатнинг халқаро майдонда эътироф этилиши интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизими қай даражада йўлга қўйилгани билан ҳам белгиланади. Зеро, бу соҳада мустаҳкам ҳимоя тизими мавжудлиги илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, иқтисодиёт, инновациялар, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, фан-техника ютуқларини амалиётга самарали татбиқ этиш, пировардида мамлакатнинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини янада оширишда муҳим омил саналади.*

Дарҳақиқат, бугунги бозор муносабатлари шароитида интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, хусусан, уларнинг муҳофазаси ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, мазкур объектлардан эгалари розилигисиз фойдаланиш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интеллектуал мулк эгаларига етказилган зарарни баҳолаш ва уни қоплашнинг самарали механизмларини амалиётга татбиқ этиш, шу билан бирга, соҳага оид суд амалиётини янада ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Ўтган даврда Фуқаролик, Жиноят, Солиқ ва Божхона кодекслари ҳамда бир қатор қонунлар, юздан ортиқ қонуности ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилдики, улар интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатлари муҳофазасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган "Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормаларини унификациялаш ва бир хилда қўлланилишини таъминлаб, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгалари манфаатлари муҳофазасининг самарали усуллари ва воситаларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда тижорат сири ҳуқуқий муҳофазаси кафолатларини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, "Тижорат сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши соҳага оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан тижорат сири эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилди. Мазкур Қонун нормалари амалиётга самарали татбиқ этилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг изчил фаолият олиб бориши учун қулай шароит яратиб бериши баробарида, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, саноат янгиликлари ва ноу-хаунинг ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, интеллектуал мулк соҳасида бир-биридан мустақил фаолият юритиб келган Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий муҳофазаси соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ягона ёндашувни таъминлаш, юртимизнинг шу соҳадаги халқаро шартномаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича яхлит тизим яратилди.

Ўтган даврда Ўзбекистон бир қатор халқаро ҳужжатларга, жумладан, Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённома, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома, Товар белгиларига доир қонунлар тўғрисидаги шартнома, Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома, Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими каби ўттиздан ортиқ нуфузли халқаро шартнома ва битимларга қўшилиб, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг фаол иштирокчисига айланди. Қолаверса, бугунги кунда республикамиз дунёнинг 20 га яқин давлатлари билан интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида икки томонлама самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Албатта, мустаҳкам ҳуқуқий асоснинг яратилиши соҳа ривожида муҳим омил бўлмоқда. Буни 2012 — 2014 йиллар мобайнида 533 та ихтиро, 297 та фойдали модель, 344 та саноат намунаси, 4 890 та товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгилари), электрон ҳисоблаш машиналари учун 584 та дастур ва маълумотлар базаси ҳамда 24 та селекция ютуғи давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳам тасдиқлайди.

Соҳада эришилаётган муваффақиятларимиз халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Хусусан, Президентимизнинг жаҳон давлатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, 1996 йилда миллий патент тизимини яратиш ва ривожлантириш, илмий-технологик ва ихтирочилик фаолиятига ёрдам кўрсатишдаги шахсий ҳиссаси ҳамда мамлакатда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш халқаро патент-ҳуқуқий тизимида фаол иштироклари учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "Катта олтин медали" билан тақдирланиши ҳам ана шу эътирофнинг юксак намунасидир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси соҳада янги босқични бошлаб берди. Зеро, унда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, мавжуд қонунларнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилиб, бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу орқали ушбу объектларга нисбатан ҳуқуқ эгалари қонуний манфаатларини ишончли тарзда муҳофазалаш тизимини яратиш, шунингдек, соҳадаги давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга бўлган эътибор янада ортмоқда. Зеро, бугунги тезкор замонда интеллектуал мулк иқтисодий тараққиётнинг муҳим асосидир.

**Аҳрор РЎЗИЕВ,**
**Шероз ХАБИЛЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходимлари.**

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида "Касбий маданияти юксак, юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш — асосий вазифамиз" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

# Малакали кадрлар тайёрлаш – устувор вазифа

Тадбирда истиқлол йилларида ички ишлар идоралари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2001 йил март ойидаги Фармони тизим фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Унга мувофиқ, жиноят қидирув, терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириб борилаётир. Ушбу жараёнда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил июндаги Фармони билан Академияда Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилгани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Ҳозирги пайтда бу курсларда криминалистика маркази, ўқув-дала машқ майдони, компьютер ва лингафон хоналари мавжуд. Улар ўқув жиҳозлари ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Айни чоғда курсантлар жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича билим ҳамда малака оширмоқдалар. Ўтган давр ичида бу курсларни битирган сержантлар ҳозирги пайтда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида самарали меҳнат қилишаяпти. Шу ўринда истиқлол йилларида ИИВ Академиясини кўплаб олий юридик маълумотли мутахассис ва раҳбар кадрлар битирганлигини айтиш зарур.

Академияда тингловчи ва курсантлар замон талаблари даражасида билим олиши учун жаҳон андозаларига мос ўқув ва моддий-техник база яратилган. Яъни бу ердаги инновацион педагогик технологиялар, тест, одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш, криминалистик тадқиқотлар ўтказишни ўргатиш, инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс марказлари, криминалистик полигон, намунали милиция таянч пункти ўқув маркази, тергов фаолияти мутахассислиги ўқув-методик хонаси, педагогик маҳорат мактаби, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозланган маъруза заллари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда Академиянинг давлат ва жамоат ташкилотлари, қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги, ушбу таълим муассасаси курсант ва тингловчилари турли соҳаларда эришаётган ютуқлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иш берувчилар институтга келди

*Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида "Битирувчи — 2015" тадбири ўтказилди.*

«БИТИРУВЧИ — 2015»

Унда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Навоий ва Бухоро вилоятларидан бинокорлик соҳасида фаолият олиб бораётган турли корхона ҳамда ташкилотлар ўзларидаги бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Жорий йил институтимизни 17 йўналишда 841 нафар бакалавр ҳамда магистр битиради, — дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ходими Олмос Жўраев. — Тадбир давомида юз нафарга яқин битирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича корхоналар билан шартномалар имзолашди.

"Битирувчи — 2015" доирасида талабаларнинг замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган туржой-лар, нафис санъат намуналари ҳамда ландшафт архитектураси бўйича энг яхши лойиҳалари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**Акрам ҲАЙДАРОВ.**

Эълонлар

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

05/564

Биринчи 2 кун кириш мазкур соҳа ва унга яқин тармоқ мутахассислари учун

TEXTILE UZBEKISTAN

Текстиль Экспо Ўзбекистон




12-Халқаро КЎРГАЗМАСИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

2015 йил 27-30 МАЙ

«Ўзэкспомарказ», Ўзбекистон, Тошкент

www.textileexpo.uz

ITE Uzbekistan
Тел.: (+99871) 113-01-80.
Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: textile@ite-uzbekistan.uz

ON-LINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Guvohnoma № 3583

594R/25

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Испания ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг 2015 йилдаги ўсишига оид янги прогнозини эълон қилди.*

## Иқтисодий кўрсаткичларга оид янги тахмин



Унга мувофиқ, жорий йилда бу борадаги кўрсаткич февраль ойида тахмин қилинганидек 2,4 фоиз эмас, балки 2,9 фоизни ташкил этади. Қолаверса, 2016 йилда ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми худди шу миқдорда ошади.

Айтиш жоизки, февралда Еврокомиссия жорий йил Испанияда ЯИМ ҳажми 2,3, келаси йилда эса 2,5 фоиз ўсишини билдирган эди.

## Кучли зилзила оқибати

*Непалда рўй берган 7,8 балли зилзила мамлакат тарихида сўнгги саксон йил ичидаги энг катта талафотларга сабаб бўлган табиат ҳодисаси сифатида баҳоланмоқда.*

"Евроньюс" телеканали хабарига кўра, ер силкиниши оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 3200 кишидан ошган. Қарийб етти минг нафар одам тан жароҳати олган. Қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилаяпти. Пойтахт Катмандуда бошпанасиз қолганлар учун махсус истиқомат жойлари ташкил қилинган. Лекин улар сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигидан азият чекмоқда.

Зилзила таъсири Непалга қўшни Ҳиндистон ва Хитой ҳудудларида ҳам сезилган. Мазкур давлатларда ҳам вайроналар кузатилган, қурбонлар борлиги айтилмоқда.

## Кундузги уйқунинг нимаси афзал?

*Германиялик олимлар кундузги уйқунинг одам учун фойдаси ҳақидаги тадқиқотлари натижаларини маълум қилдилар. Ушбу илмий иш "Хотира ва нейробиологияни ўрганиш" (Neurobiology of Learning and Memory) журналида чоп этилди.*

Мақолада айтилишича, кундузи 45-60 дақиқа давомида мизғиб олиш киши хотираси мустаҳкамлигини оширади. Тадқиқотда 41 нафар кўнгилли қатнашди. Олимлар уларга юзга яқин сўзларни кўрсатиб, эслаб қолишларини сўрашган ва иштирокчиларни икки гуруҳга бўлишган. Уларнинг бирларига фильм намойиш қилинган, бошқаларига эса 90 дақиқа ухлаш имконияти берилган. Якунда мизғиб олганлар фильм кўрганларга нисбатан кўп сўзларни айтиб беришган.

## Баҳайбат жониворлар изи

*Канада шимоли-шарқидаги Британия Колумбияси музофотида динозаврлар изи топилди.*



Палеонтолог Рич Макрининг сўзларига қараганда, мазкур баҳайбат жониворлар бу ерда бундан 115-117 миллион йил аввал яшаган. Уларнинг узунлиги 8, бўйи эса 3,5 метрга тенг бўлган.

Олимлар ушбу топилма фанда янгилик, қолаверса, сайёҳларни қизиқтиришга хизмат қилувчи муҳим омил сифатида аҳамиятли эканини таъкидлашаяпти.

## Фойдаси аниқланмади

*Сут маҳсулотлари, айниқса, йогуртларни мунтазам истеъмол қилиш инсон саломатлигини мустаҳкамламайди.*



Испаниянинг Мадрид автоном университети олимлари ана шундай фикрни илгари суришмоқда. Уларнинг бу борада ўтказган тадқиқотида тўрт мингдан ортиқ кўнгилли иштирок этди. 3,5 йиллик кузатишлар жараёнида йогуртни доимо истеъмол қилиб юрадиганлар ва унчалик хушламайдиганларнинг саломатлигидаги ўзгаришлар таҳлил этиб борилди. Қизиқ жиҳати, якунда ҳар икки тоифага мансуб одамларнинг кўрсаткичлари деярли бир хил чиқди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Тинчлик учун курашмоқ керак

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳамроҳларимиздан бири отахоннинг сўзларидан таъсирланиб: “Булар тирик тарих, мана шундай гапларни видеотасвирга тушириб, имкон қадар кўпроқ ёшларга кўрсатиш керак. Булар ҳам ғанимат”, деди. Яна йўлга тушдик. Шоир таъбири билан айтганда, “Пўлат яғринларни кўтарган қирлар кўм-кўк...” Далаларда ям-яшил буғдойлар тиззага уради, пайкалларда чигит униб, арқон-арқон бўлиб саф тортган. Ҳамма иш билан банд. Ҳамма ширин ташвиш билан овора.

Узоқ умр кўришнинг сабаби доимий ҳаракатда, меҳнатда, дейдилар. Олтиариқликларнинг соҳибкорлигини яхши биласиз. Бугун бу туман аҳли нафақат ишбилармонлиги, деҳқончилиги, балки юз ёшдан ошган отахону онахонлари билан ҳам тилга тушди. Ҳанифахон ая Мамажонова уч асрнинг, иккита минг йилликнинг гувоҳи. Паспортида 1895 йилда туғилганлиги қайд этилган. Бир қарашда ишонгинг келмайди. “Биз ёзув-чизувга, ҳужжатларга бепарвороқмизда, ака — дейди вилоят фаолларидан бири Ғайратжон Абдуллаев. — Бир ойча бурун сайёрамизнинг энг кекса фуқароси япониялик 117 ёшли аёл вафот этганлиги ҳақида хабар тарқалганди. Бизнинг онахон эса, кўриб турибсизки, 120 ёшда. Ўзбекистон аллақачон узоқ умр кўрувчилар мамлакатига айланган. Бу тинчлик-хотиржамликнинг, фаровонликнинг, тиббий шарт-шароит яхшиланганлигининг меваси. Шунча асосимиз бор-у, лекин ёлчитиб мақтанишни ҳам билмаймиз”.

Жўрак қишлоғининг ўзида 114 ёшга кирган икки нафар табаррук онахон истиқомат қилади. Бири Ойимчахон Ҳамраалиева, иккинчиси Хадича ая Эргашева.

— Бизни қадрлаганни Яратганнинг ўзи қадрласин. Бир умр далада кетмончи бўлиб ишлаганман. Аммо рўшноликни яқин ўтган йилларда кўрдим. Бизни фақат байрам кунлари эмас, ҳар доим йўқлашади. Алоҳида духтир бириктирилган. Дори-дармонларимиз бепул, — дея миннатдорлик билан гапиради Хадича ая. Ҳамон тетик, гап-сўзлари жойида бу нуроний онахоннинг ҳозиржавоблиги ҳаммамизни қойил қолдирди. Менинг “Аяжон, 150 ёшга кириб бутун дунёни бир ҳайрон қолдирмайсизми?” деган саволимга “Энди яшайдиган давримиз келди-ку. Замон тинч, дастурхонимиз тўкин, Юртбошимиз омон бўлса, юз эллик йил нима бўпти”, дейди ўзи ҳам жилмайиб Хадича ая.

Хотира ва қадрлаш, деб аталмиш беқиёс айём олдидан юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлмайлик — Тошкентдами, Хивадами, Андижон ё Сурхондами, тилак битта, дуо битта: тинчлик бўлсин, осойишталик бўлсин, юртимизга кўз тегмасин. Хулоса битта — энг катта бойлигимиз, барча юксалишлар асоси бўлган тинчлик учун ҳаммамиз масъулмиз, ҳаммамиз курашмоғимиз шарт!

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Электрон таржимон

*Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабаси Азиз Қадиров турли ҳажмдаги матнларни ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига ҳамда қорақалпоқчадан ўзбекчага таржима қилувчи “Z-Translate” электрон дастурини яратди.*

**ҚУЛАЙЛИК**

— Ушбу тилларнинг грамматик тузилиши бири-бирига жуда яқин, — дейди дастур муаллифи. — Мазкур ғоя ана шу омилга асосланади. Энди нафақат сўзлар, балки тўлиқ матнларни ҳам тез ва сифатли таржима қилиш имконияти яратилди. Бу ҳужжатлар иккала тилда иш юритилаётган корхона ҳамда ташкилотлар учун жуда қўл келади.

Айтиш жоизки, “Z-Translate” электрон дастури турли соҳаларга оид 7 мингдан зиёд сўз захирасига эга.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Футбол бўйича Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасида олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.*

## Спорт

# Навбатдаги турда пешқадам ўзгармади




Ушбу турда мухлислар бир қатор қизиқарли беллашувларга гувоҳ бўлишди. Жумладан, Ғузорнинг “Шўртан” жамоаси ўз майдонида мусобақа пешқадами “Насаф” (Қарши)ни қабул қилди. Ўйиннинг 86-дақиқасига қадар мезбонлар ҳисобда олдинда боришаётганди. Аммо сўнгги дақиқаларда меҳмонлар фаоллик кўрсатиб, ғалабани ўз томонларига оғдиришга муваффақ бўлишди — 1:2. Шу тариқа чемпионатни кўтаринки руҳда бошлаган “Шўртан” кетма-кет иккинчи бор мағлубиятга учради. Тошкентнинг икки етакчи клуби “Локомотив” ва “Пахтакор” ўртасидаги учрашув ҳам муросасиз курашларга бой кечди. Унда мезбонлар 2:1 ҳисобида зафар қучишди.

“Нефтчи” (Фарғона) ва “Сўғдиёна” (Жиззах) қарама-қаршилигини томоша қилиш учун стадионга келган мухлислар мезбонларнинг ажойиб ўйинига гувоҳ бўлишди. Негаки, мазкур баҳсда дарвозаларга жами бешта гол киритилди. Шундан тўрттаси мезбонлар, биттаси эса меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Наманганнинг “Навбаҳор” жамоаси ўз майдонида “Динамо” (Самарқанд)ни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Муборакнинг “Машъал”и эса “Қўқон-1912” (Қўқон)дан устун келди — 3:0. Ушбу турдаги энг йирик ҳисоб “Бухоро” — “Олмалиқ” ўйинида қайд этилди. Мазкур беллашувда олмалиқлик футболчилар мезбонлар дарвозасини тўрт бор аниқ нишонга олишди. Навоийнинг “Қизилқум” жамоаси “Андижон”ни кичик ҳисобда енгди — 1:0.

Мазкур турдан сўнг турнир жадвалида “Насаф” 15 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Ундан кейинги ўринларда бораётган “Нефтчи” ва “Локомотив” жамоаларида эса 14 тадан очко бор.

Олий лига жамоалари ўртасидаги навбатдаги тур ўйинлари 1-2 май кунларига белгиланган. Унда қуйидаги жуфтликлар ўзаро беллашади: “Пахтакор” — “Навбаҳор”, “Насаф” — “Локомотив”, “Динамо” — “Металлург”, “Бунёдкор” — “Нефтчи”, “Сўғдиёна” — “Машъал”, “Андижон” — “Шўртан”, “Олмалиқ” — “Қизилқум”, “Қўқон-1912” — “Бухоро”.

# Осиё чемпионатидаги муваффақият

*Пойтахтимизда каратэ бўйича клублар ўртасида II Осиё чемпионати бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси, Осиё каратэ федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатидан 450 нафар спортчи ўзаро куч синашди.

Икки кун давом этган мусобақада каратэчилар кумитэ — яккама-якка кураш ҳамда ката — комплекс машқ бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилди.

Қизиқарли курашларга бой кечган беллашувлар якунида ҳамюртларимиздан Иқбол Узоқов, Садриддин Сайматов, Фозил Собиров, Барно Мирзаева, Дилфуза Ниёзова, Замира Алиева, Ҳилола Бадалова, Мадина Шокирова, Дилноза Бакирова, Мафтуна Самадова, Наргиза Мадорипова, Баҳринисо Бобоева, Нодира Мамадалиева ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Шунингдек, жамоавий кумитэ баҳсларида вакилларимиз битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медаль билан тақдирланди. Жамоавий ката баҳсларида эса ўзбекистонлик қизлар кучли учликдан жой олди.

Мусобақада умумий медаллар сони бўйича юртимиз каратэ усталари иккинчи ўринни эгаллади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 18 АПРЕЛДАН 24 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2015 йил 14 апрелдаги 107-мҳ, 12-сонли «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032-3 (2015 йил 27 апрелдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 17 апрелдаги 32, 01-02/12-12-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни божсиз олиб киришнинг меъёрий нормаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 21 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 279-2 (2015 йил 27 апрелдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 24 апрелдаги 121-мҳ-сонли «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-2 (2015 йил 27 апрелдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2015 йил 13 апрелдаги 151-сонли «Ўзстандарт» агентлигида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1422-2 (2015 йил 27 апрелдан кучга кирди).**

**КИЧИК БИЗНЕС**

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Бу Президентимиз раҳнамолигида мулкдорлар синфини шакллантириш, соҳани жадал равнақ топтириш йўлида олиб борилаётган изчилислоҳотлар самарасидир. Зеро, яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбига кенг йўл очаяпти. Айниқса, юртимиздаги тижорат банклари томонидан тадбиркорлар учун ажратилаётган маблағлар мазкур жараёнда алоҳида аҳамият касб этаётир.*

# Микрокредит, имтиёз, имконият

Яқинда Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Нарпай туманларида “Микрокредитбанк” сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!” шиори остида ташкил этилган семинарларда шу хусусда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирлар жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли кенг қатлами, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш каби масалаларга бағишланди.

Семинарларда таъкидланганидек, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки юртимиз ишбилармонларини қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган йирик микромолиявий ташкилотлардан биридир. Мазкур муассаса фаолиятининг илк кунлариданоқ олис туман ва қишлоқлардаги ёшлар, айниқса, хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жумладан, банк томонидан тадбиркорларга бошланғич сармояларни шакллантириш учун берилаётган микросармояларнинг йиллик фоизи 3 фоизни ташкил этаяпти. Бу эса эндигина ўз бизнесини йўлга қўяётган юртдошларимиз учун катта қулайлик туғдирмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида банк томонидан мазкур соҳа тараққиёти учун йўналтирилган микросармоялар ҳажми 30 миллиард сўмдан зиёдни ташкил қилди. Шундан касб-ҳунар коллежларини битирган 200 нафар ўғил-қиз, шунингдек, 308 нафар тадбиркор аёл умумий қиймати 15 миллиард сўмликдан ортиқ кредит билан таъминланди.

Таъкидлаш ўринлики, турли давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари ҳамда аҳоли вакиллари иштирокида ўтган мазкур тадбирларда халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, жойлардаги мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш йўллари, бу борада яратилган шарт-шароит ва имкониятлар, хотин-қизлар ҳамда ёшлар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш каби мавзуларда мулоқотлар бўлиб ўтди.

— Банк мутахассисларининг кам фоизли кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги таклиф ва тавсиялари бизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Оқдарё туманилик тадбиркор Камола Аҳмедова — Бу борада, айниқса, ишбилармон хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар имкониятларимиз кўламини янада кенгайтиради. Ваҳолонки, шундай ҳунар турлари борки, уларни аёллар меҳнатисиз тасаввур этиш қийин. Масалан, тикувчилик ва каштачиликни олайлик. Туманимизда ушбу ҳунарлар ортидан ҳам ўз оиласига, ҳам жамиятга катта наф келтираётган хотин-қизлар кўп. Бугунги тадбир бундай ишбилармон аёллар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Семинарлар давомида иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган мавзулардан яна бири — “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга бағишланди.

Дарҳақиқат, касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ўғил-қизлар бандлигини таъминлаш — бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Мазкур жараёнда қиз болаларга касб-ҳунар ўргатишнинг аҳамияти беқиёс. Негаки, қўлида ҳунари бор қиз эртага ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оила тебратишга, фарзандлари тарбиясига муносиб ҳисса қўшади.

— Банк мутахассислари томонидан ўтказилган тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди Нарпай туманидаги Оқтош тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Гулноза Шарипова. — Кредит олиш тартиб-қоидалари, ёшлар учун кўзда тутилган имтиёзлар тадбиркорликка бўлган иштиёқимни кучайтирди. Ҳадемай, ҳунармандчилик йўналишида ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Бунинг учун пухта лойиҳа ҳам тузиб қўйдим. Молия муассасаси жамоаси ушбу бизнес-режам учун кредит ажратишини маълум қилди. Албатта, бундан жуда руҳланиб кетдим. Аҳдим янада қатъийлашди. Энди бўлажак тадбиркор сифатида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини олдиндан белгилаб бораяпман.

Семинарлар давомида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтираётган 20 нафар хотин-қиз ва энди иш бошламоқчи бўлган 40 нафар ёшга банкдан имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**Фаррух БЎТАЕВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

Эълонлар



«Қибрай» клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
02R/955

ТАШКИЛОТ
«MOTOROLA», «VERTEX», «POSBON» радиостанциялари учун эҳтиёт қисмлар ва жамламалар харид қилиш мақсадида таклифлар киритишингизни сўрайди.
Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 231-38-94, 231-38-03, 231-50-40.
Факс: (0-371) 233-44-78.
464A/231

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5